Туркистон бир, ватан бир

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 4 март • Жума • № 17 (14178) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА РАСМИЙ ДАВЛАТ ТАШРИФИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 март куни расмий давлат ташрифи билан Россия Федерациясига жўнаб кетди.**

**Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб бериб, сафардан асосий мақсади икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришдан иборат эканини қайд этди. Сафар чоғида давлатлараро алоқалар, иқтисодий муносабатлар ва ҳарбий ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланаётганини таъкидлади.**

— Биз Россия билан неча ўн йиллар давомида бир тарихий шароитда яшадик ва бугунги ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларимиз ҳам бир хил,—деди юртбошимиз. — Қолаверса, мамлакатларимизнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий алоқалари шу қадар чамбарчас боғлиқки, уларни қисқа фурсатда узиб бўлмайди ва узиш шарт ҳам эмас. Биз ҳар қандай мафкуравий иғволардан холи, айни пайтда ўзаро фойдали ҳамкорлик тарафдоримиз.

Аэропортда Ўзбекистон раҳбарини Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Мавлон Умурзоқов, Хайрулла Жўраев, Тошкент шаҳри ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

• • •

МОСКВА, 2 март. (ЎзА мухбири Аҳмад Хўжа хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи бошланди. Катта Кремль Саройининг Георгий залида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ҳар икки мамлакат мадҳиялари янгради. Шундан сўнг Ислом Каримов билан Россия Президенти Борис Ельцин яккама-якка учрашдилар. Учрашувдан кейин кенг доирада —икки мамлакат давлат делегациялари ўртасида музокаралар бошланди. Унда икки томонлама муносабатлар, сиёсий, иқтисодий ва халқаро масалалар бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Борис Ельцин иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги декларацияни ҳамда бошқа ҳужжатларни имзоладилар. Имзоланган ҳужжатлар юзасидан Ўзбекистон раҳбари оммавий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига жавоб қайтарди.

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**МОСКВА, 3 март. (ЎзА мухбири Аҳмад Хўжа хабар қилади).** Кеча тушдан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Бош вазири Виктор Черномирдин билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка оид кўпгина масалалар муҳокама қилинди. Шу куни иқтисодий интеграацияни кучайтиришга қаратилган бир қанча ҳужжатлар, жумладан, икки томонлама солиқ олмаслик ҳақида, Ташқи ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги, бож сиёсатини мувофиқлаштириш тўғрисида ва бошқа бир қанча битимлар имзоланди.

Россия оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг ташрифига кенг ўрин ажратмоқда. Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамланиши МДҲ доирасида имзоланган иқтисодий иттифоқ ҳақидаги шартноманинг амалий ифодаси бўлганлиги таъкидланмоқда.

Бугун эрталаб Ўзбекистон Президенти Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди. Шундан кейин Катта Кремль саройида Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясини расмий кузатиш маросими бўлди. Маросим тугагач, Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасига келди. Бу ерга Москванинг давлат, сиёсат, жамоат ва маданият арбоблари тўпландилар. Ўзбекистон раҳбари республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, уларнинг дастлабки натижалари, Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишидан икки томон ҳам манфаатдор эканлиги хусусида сўзлади.

Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи бугун ниҳоясига етади.

## ҚУТЛОВ

Муҳтарам онахонлар!

Азиз опа-сингиллар!

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Сизларни шодиёналар шодиёнаси, энг улуғ ва гўзал анъанавий байрам — 8 Март халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан қизғин муборакбод этади.

Бугун ҳаётимиз жабҳасининг қайси бир соҳасини олиб қарамайлик, Сизнинг муносиб ўрнингизни кўрамиз. Сиз меҳрибон мураббия, ширинсўхан шифокор, илм қўрғонларини забт этаётган олимаю эл дардини куйлаган шоира, ғайрати толмас пахтакору пиллакорсиз. Ва энг муҳими, шуларнинг барчасини жам этган, дунё бешигини тебратувчи, қалби эзгуликка лиммо-лим аёл-мунис онасиз.

Сизлар борки, дунёда латофат, поклик, инсоний муҳаббат ва меҳр-шафқат ўлмайди. Илоё, Момо Ҳаво ато этган ана шу нафис туйғулар Сизни ҳеч вақт тарк этмасин.

Бахтимизга доимо соғликда, омонликда бўлинг! Дунё тургунча туринг!

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.**



## СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ!



Ошиқларинг пойингга гул отиб ҳам бўлди,
Хилватларда лабингдан бол тотиб ҳам бўлди,
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!
Аввал: «Кел-эй, қучоғимга тўл, балқ» дедилар,
Унамадинг, аёл ўзи «терс халқ» дедилар,
Ичолмагач, юз ўгириб шўр, талх, дедилар
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл
Сен дарёсан, ўпганини қирғоқ яширар,
Жуфтим бўл, — деб чопганини ҳар тоқ яширар,
Жаннатим, — деб қувонмасдан қумлоқ яширар,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!
Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,
Росту ёлғон эртакларнинг борар ери Сен,
Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!
Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,
Маст даврага бир сарин ел, бир тор, келсанг-да,
Хор келсанг-да, номардларга гоҳ хор келсанг-да,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!
Қимтинасан, астагина кўтарасан бош,
Минг йилликдир кўзингдаги жовдираган ёш,
Гуноҳкорлар мингу битта Сенга тегар тош,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!
Ҳарир, хушбўй баданингда тошлар изи бор,
Кўкрагингда эгилган не бошлар изи бор.
Қуёш изи, куйдирган қуёшлар изи бор,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА**

### ДАМ ОЛИШ КУНИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида ва меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп истакларини инобатга олиб, Республика Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 5 мартни иш куни деб эълон қилиш ҳамда дам олиш кунини 1994 йил 7 мартга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди.**

## МУКОФОТЛАР ЭГАСИНИ КУТМОҚДА

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котибияти халқимизнинг улуғ шодиёнаси — «Наврўз» айёмига бағишлаб варрак учирувчилар ўртасида кўрик-танлов эълон қилди. Қарорга кўра, ғолибларни қуйидаги пул мукофотлари кутмоқда:

**1-ЎРИН — 250 МИНГ СЎМ**

**2-ЎРИН — 150 МИНГ СЎМ**

**3-ЎРИН — 100 МИНГ СЎМ**

**Маълумот учун телефонлар:**
**41-08-50**
**41-06-50**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ**



Баҳордаги гулдек кулиб турган бу гўзал қиз Марҳамат туманидаги паст кучланишли электр асбоблари ишлаб чиқарадиган электротехника заводида хизмат қилади. Корхонада 20 га яқин турдаги халқ истеъмоли моллари тайёрланади.

Жамоанинг ютуқлари зўр. Шундан бу ерда ишлаётган ишчиларнинг юзидан табассум аримайди.

СУРАТДА: корхона ишчиси Муҳайё Ҳакимова.

**Ш. ОЛИМОВ**
**суратга олган.**

**Ёшлар Иттифоқида нима гап?**

## БИРИНЧИ КОТИБЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон ЁИ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги олий институтда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи туман ва шаҳар қўмиталари янги сайланган биринчи котибларининг бир ҳафталик ўқуви бўлиб ўтди. Машғулотлар мобайнида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш сингари масалалар юзасидан Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиблари, бўлим мудирлари, мутахассислар ва олимлар чиқишлар қилдилар.

Маълумки, туман ва шаҳар қўмиталари ташкилотнинг таянчи ҳисобланади. Қуйи бўғиндаги ёшлар етакчилари қанчалик ташаббускор ва билимдон бўлсалар, Ёшлар Иттифоқининг ташкилий асослари шунчалик мустаҳкам, йигит-қизлар фаоллиги ошган бўлади. Ўқув давомида бевосита ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, қатъий режа асосида илмий-амалий тадбирлар ўтказилди.

Тингловчиларнинг Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби Алишер Тешабоев билан бўлган учрашуви айниқса қизиқарли ва мароқли ўтди. А. Тешабоев ташкилотнинг шу йил 4—6 апрель кунлари бўладиган XXVI қурултойига тайёргарлик ишларининг бориши, анжуманда кўриладиган масалалар, истиқболдаги режалар хусусида батафсил гапириб берди. Нотиқ давлат ёшлар сиёсатини амалга оширишда, йигит-қизларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашда туман ва шаҳар қўмиталари биринчи котибларининг тутган ўрнига, улар олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталди.

Учрашув ниҳоясида А. Тешабоев тингловчиларни қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарди.

**Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси матбуот хизмати.**

## ҚУРУЛТОЙ ТАШВИШЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ БЮРОСИДА**

Яқинда Андижон шаҳрида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг навбатдаги сайёр Бюроси бўлиб ўтди. Йиғилишни Марказий Қўмита биринчи котиби Алишер Тешабоев олиб борди.

Маълумки, шу йилнинг 4—6 апрель кунлари Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг навбатдаги XXVI қурултойи бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Бюро қурултой ҳужжатларини кўриб чиқиш учун Марказий Қўмитанинг X пленумини шу йилнинг 4 апрель куни чақиришга қарор қилди. Пленум кун тартибига Марказий Қўмитанинг XXVI қурултойга ҳисоботи, сайлаб қўйиладиган органларга 20 фоизлик норма бўйича номзодлар кўрсатиш, қурултойни тайёрлаш юзасидан тузилган Марказқўм комиссияларининг ахбороти сингари масалалар киритилган.

Бюро Ёшлар билимгоҳи қошида «Компью-тер—Азия» илмий-техникавий паркини ташкил этиш, ёш истеъдодли санъаткорларнинг ижодий имкониятларини намоён қилишга ёрдам бериш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Марказқўм қошида хўжалик ҳисобида ишлайдиган ёшларнинг «Мўтти» тажриба театр-студиясини ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Бюрода Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва Франциянинг «Артур» ассоциацияси ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тасдиқланди. Шартномага мувофиқ, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли — мулоқот йўли» дастури асосида Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хоразмдаги ипак йўли ўтган шаҳарларда карвонсаройларни тиклаш, саёҳатчилар учун вақтинчалик дам оладиган жойларни қуриш каби ишларда қатнашади.

Шунингдек, Бюрода Ўзбекистон болалар ва ўсмирлар уюшмасининг навбатдаги XVII слётини чақириш билан боғлиқ масалалар, 23—26 февраль кунлари Андижонда ўтган «Тадбиркор-94» анжумани якунлари, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қўмиталари даражасида шаклланган мулк тўғрисидаги ва ташкилот ҳаётига оид бошқа муҳим масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар кабул қилинди.

**«Тадбиркор—94»**



## Андижоннинг ҳаяжонли кунлари

БОР-ЙЎҒИ 72 СОАТ ёки уч кун, мамлакатимиз учун қадрли, мулоқот, фикр алмашувларга бой бўлган ва кимларнингдир хотирасида унутилмас бўлиб қолган дақиқалар ортда қолди, сафар қариди. Энди бу учрашувлар ҳақида кўп гапиришади, эслашади. Биз журналистлар ҳам мазкур йиғиндан ўзимиз учун кўп фойдали нарсаларни олдик. Сиз азиз муштарийлар билан шу хусусда ўртоқлашмоқчимиз.

Йўқ, биз тадбиркорлик дунёсига энди кириб келаяпмиз ва инсоннинг онги, тасаввури нақадар теранлигига эндигина кўникаяпмиз, ахир биз кутмаган жойдан тасодифми ёки яратганнинг иноятими, ишқилиб ақли ўткир уддабуронлар чиқишяпти. Энг қизиғи улар Ватанимиздаги биз илғамаган имкониятларни излаб топишаяпти.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Тадбиркор—94» анжумани иштирокчилари Андижон шаҳридаги ҳунармандлар растасига ташриф буюришганда, гўёки ўзларини узоқ мозийга саёҳат қилгандек ҳис этишди, минглаб йиллар адоғидан садо бераётган нақшин идишлардаги, буюмлардаги жилолар, худди кўп минг йил аввалдан ривож топган Андижон ҳунармандчилигини қайта кўз-кўз қилаётгандек. Темирчилик, пичоқчилик, атторлик, пойафзал, бўйра, тунукасозлик, атлас расталаридаги афсонавий шаклларда товланаётган буюмларга бир олам маъно сингдирилган, шунинг учун уларга харидор ҳам бир олам...

Тадбиркорлар Андижон тикувчилик пойафзал фабрикасида ҳам бўлишди. 1992 йил 17 февралда ташкил топган фабрикада 600 нафар ишчи меҳнат қилади. Директор Ҳотамжон Иброҳимов бешта таянч билан бизни таништирди. Мана улар: пойафзал тикув, атлас тўқиш, трикотаж, тикувчилик ва ниҳоят бетонузель таянчлари. Ишчилар яхши ишлашаяпти десак, ёлғон айтмаган бўламиз. Демак, оиласидан, кундалик қийинчиликлардан кўнглиларида таскин бор. Фабрика хом ашё билан ўзини тўлиқ таъминлаш мақсадида «Моссон» фирмасини ташкил қилди. Йиллик даромади 400 миллион сўм. Файзиобод, Ҳаққулобод, Хўжаобод, Тельман қишлоқларида тармоқлари очилган. Ғишт заводи қурилмоқда.

Биз Андижон шаҳридаги «Малика» хусусий корхонаси фаолияти билан ҳам танишдик. Бу корхона 1990 йил 9 октябрда рўйхатга олинган. Унинг таъсисчиси Андижон вилоят тадбиркорлар уюшмаси раиси Мирзаулуғбек Алимов. Корхона кўп тармоқли, шу туфайли уни 20 октябрдан «Малика» савдо-ишлаб чиқариш мажмуига айлантиришди. Унинг таркибида 40 ўринли тикувчилик таянчи, гўзаллик салони, ресторан, ёзги ошхона, чойхона, автосервис, видеобар ҳамда 20 дан ортиқ тижорат воситачи дўконлари бор. 200 дан ошиқ ишчи ишлайди. Самарқанд, Санкт-Петербург, Новороссийск, Москва шаҳарларида корхонанинг фирмалари очилган. 150 дан ортиқ фирмалар билан шартнома тузилган. Туркиянинг «Бухорий», АҚШнинг «Кавалер Бразерс Инкомпаниш» компаниялари билан ҳамкорлик ҳақидаги келишув имзоланган. Маҳсулотлари турлича. Шу туфайли қизиқувчиларнинг сони кўп.

Зеро, биз кўрганларимизни қоғозга туширдик. Қандай қилиб шу даражада кенг миқёсли тадбиркорлик ишларини амалга ошириш бўйича эса маълумотга эга эмасмиз ва худо хоҳласа сиз азиз муштарийларни ана шундай тафаккур имкониятларидан кенг фойдаланаётган кишилар, уларнинг тажрибалари билан таништириш ниятидамиз.

**Муҳаммад АМИН,**
**«Туркистон»нинг махсус мухбири.**



## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ АЪЗОЛАРИ, ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ!

Хабарингиз бор, шу йилнинг 4—6 апрель кунлари Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг навбатдаги XXVI қурултойи бўлиб ўтади. Шу муносабат билан газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг Низоми, Ҳаракат дастури, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисидаги Низом лойиҳаларини чоп этаяпмиз.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси нуфузли ёшлар ташкилоти қурултойида қабул қилинадиган ва Ёшлар Иттифоқининг келажак фаолияти асосий ҳужжатларига айланадиган мазкур лойиҳаларни синчиклаб ўқийсиз, фикр юритасиз ҳамда мулоҳазаларингизни баён этасиз, деб умид билдирамиз. Бу билан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятининг моҳиятини, истиқбол сари йўналишини белгилаб берувчи пишиқ-пухта ҳужжатларни қабул қилинишига бевосита ҳиссангизни қўшган бўласиз. **(Газетамизнинг 2-, 3-саҳифаларига қаранг).**

**Ўз фикр-мулоҳазаларингиз, таклифларингиз битилган мактубларни қуйидаги манзилгоҳга: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11-уй, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасига йўлланг ёки 410183; 410272 телефонларга қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.**

